

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**XXI АСР -ИНТЕЛЛЕКТУАЛ  
САЛОҲИЯТ АСРИ**

*(Республика илмий-амалий конференция мақолалар тўплами)*

**11-қисм**

**ТОШКЕНТ-2020**

# ОИЛАДА ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ АСОСИДАГИ ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЎРНИ.

ЎзДЖТУ катта ўқитувчиси  
Ғ.Салоҳиддинова

## Аннотация

Ушбу мақолада оилада ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашда тарбиявий тадбирларнинг ўрни, таълим ва тарбия соҳасига эътиборни кучайтириш, бу борада ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган қонун ва ҳужжатларни, директив кўрсатмаларини самарали бажариш учун оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги фаолияти ўзига хос педагогик тизимлари кенг ёритилган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қиладиган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга қаратилган. Бу ўринда мамлакатимизда мавжуд барча институтлар, шу жумладан оила институтининг ҳам роли каттадир. Оилани мустаҳкамлаш, оила манфаатларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, оилада баркамол авлодни тарбиялаш, оила ва жамиятда хотин-қизларнинг ролини ошириш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари ҳукуратимиз олиб бораётган ижтимоий сиёсатнинг устувор масалаларидан ҳисобланади. Ушбу масалаларни амалга оширишда Олий Мажлис томонидан ижтимоий соҳа бўйича қабул қилинган қонунлар, Президент формонлари ва фармойишлари, ҳукурат қарорлари ва Давлат дастурлари муҳим ва ижобий самара бермоқда.

Бу борада Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги саъй-ҳаракатларни тизимли асосда йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши Ўзбекистон тарихида ёшлар таълим-тарбияси бўйича яна бир янги босқични бошлаб берди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашда оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигини таъминлаш самаралар гаровидир:

- ўқувчи ёшларга таълим бериш, уларни тарбиялаш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни қизиқишлари бўйича касбга йўналтириш;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

- вояга етмаган ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва назоратсизликнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш;

- ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш орқали соғлом оилага тайёрлаш;

- баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларни мазмунан такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш механизмини яратиш;

- соғлом авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот - коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш;

Оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган ушбу устувор масалалар мазмуни қуйидаги самарали фаолият шакл, метод ва воситаларни амалиётга татбиқ этишни тақоза этади.

Маҳаллада ва таълим муассасаларида қолаверса, меҳнат жамоаларидаги ёшлар ўртасида ватанпарварлик туйғуси ва мамлакатда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ўтказиш тартиби, намунавий сценарий ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, жумладан:

- давлат байроғи, мадҳияси ва бошқа давлат рамзларига ҳурмат туйғусини тарбиялаш билан боғлиқ тадбирлар;

- ўқувчилик, талабалик ва меҳнат жамоалари сафига тантанали равишда қабул қилиш маросимларини ўтказиш;

- умумий байрамлар, ижтимоий ҳаётимизни ўзида акс эттирган тадбирларни ва бошқалар соғлом авлодни шакллантиришнинг маънавий пойдеворини мустаҳкамлашнинг муҳим негизи ҳисобланади.

Шунингдек, ёшларнинг психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, педагоглар, психологлар ва ҳуқуқшунослар ҳамкорлигида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган содда, равлон тилда баён қилинган ҳуқуқий ахборотларни ўз ичига олган буклет, қонунларга шарҳ, маълумотнома ва тарқатма материаллар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бу борадаги ҳамкорликни методик таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Соғлом авлодни шакллантиришда юқоридаги йўналишларда олиб бориладиган таълим - тарбиявий ишларнинг замонавий шаклларида кўрик танлов, семинар- тренинг, савол жавоб кечаси, ўқув семинари, баҳс- мунозара,

учрашув, рейд, давра суҳбати, мулоқот, илмий–амалий конференция, спорт мусобақалари, китоблар акцияси, тақдимот, шеърхонлик кечаси, дўстлик фестивали ва бошқалардан фойдаланиш уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда, соғлом оилага тайёрлашда, соғлом турмуш маданиятини шакиллантиришда самаралар гаровидир.

Ўзаро ҳамкорлик дастури асосида ўтказиладиган мазкур тарбиявий тадбирлар ота-оналар, тарбиячи ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик ҳамкорлигида ёшларнинг ёш ва психологик хусусиятларини, ижтимоий турмуш тарзини, оилавий шароитини, имкониятларини, қизиқишларини ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган тақдирдагина у ўзининг ижобий самарасини бериши табиийдир.

Соғлом авлодни тарбиялаш ва шакллантиришда жамиятдаги барча институтларнинг ёшлар таълими ва тарбияси билан шуғулланувчи мутассадиларининг педагогик, психологик, тиббий билимга эга бўлишлари давр талабидир.

Ўтказиладиган тадбирлар ҳар томонлама пухта, шунинг билан қатнашчиларнинг ёшларига мос педагогик ва психологик мужассамлашган, мантқан теран, қизиқарли ва кўргазмали, таъсирчан, оммабоп, амалий жиҳатдан қисқа ва лўнда, эстетик жиҳатдан кенг кўламли бўлиши керак.

Ҳамкорлик тадбирларининг мавзулари “Соғлом авлод учун”, “Ота-онанга раҳмат”, “Одобинга балли”, “Соғ танда – соғлом ақл”, “Меҳр чашмаси”, “Қизлар ибоси”, “Бир йигитга қирқ ҳунар оз”, “ Ўғлим – посбоним”, “Ҳаёт-устоз, халқ-муаллим”, “Ўзбекистон – Ватаним маним!”, “Миллий бурч ва маъсулият”, “Оила сабоқлари”, “Оила этикаси”, “Оила тинч – маҳалла тинч”, “Мустақил ҳаёт бўсағасида”, “Аскарлик – йигитлик мактаби”, “Оила бахти-Ватан бахти”, “Спортчи оила”, “Оиламиз оҳанглари”, “Ватан остонадан бошланади”, “Биз киммиз” каби тадбирлардан иборат бўлиши мумкин.

Маҳалла худудида ўтказиладиган спорт ва турли маданий тадбирлар ёшларнинг интилиш ва имкониятларини катталар томонидан чуқур ўрганиш имкониятини беради.

- Юқоридаги тарбиявий, ташкилий, услубий ишларни ҳаётга тадбиқ этишда ҳар бир фуқаро, оила, маҳалла ва мактаб ўзининг шарт-шароити,

- “мактаб-оила-маҳалла-жамоатчилик”;

“оила - маҳалла - боғча - мактаб” йўналишларида амалий-тарбиявий ишларни ҳаётга тадбиқ этади ва шу кун талаби даражасида тарғибот қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар;**

1. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси. 2016 йил 8 декабрь.
2. Рахимжонов Н. “Ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантиришда оиланинг роли” Т., 2005 (Б.М.И.)
3. // «Халқ сўзи» газетаси. 2016 йил 8 декабрь. Оила ва мактаб / семья и школа 25 замонавий таълим / современное образование 2017, 7

## **FIZIKA DARSLARIDA TAJRIBALARNING AHAMIYATI**

**Mirzajonova Himmat, TDSI**

**akademik litseyi fizika fani o‘qituvchisi**

Bugun hayotimizni elektr tokisiz tasavvur qilish juda qiyin. Muzlatgich, sovutgich, televizor, dazmol, changyutgich, xona yoritgichlari va shu kabi jihozlar hayotimizning ajralmas qismiga aylanib bo‘lgan.

Hatto qo‘l telefonimizning quvvati ham elektr toki orqali amalga oshishi tabiiy hol bo‘lib qolgan.

Tasavvur qiling, elektr toki bir soatga o‘chirib qo‘yilsa, na biror ish qila olamiz, na bir foydali mashg‘ulot. Xo‘sh, bugun kompyuterni, qo‘l telefonlarini, xullas, texnikani yaxshi biladigan o‘quvchi bilan oddiygina ma‘ruza darslarini o‘tish juda qiyin. Chunki siz pedagog sifatida ta‘lim berayotgan o‘quvchingizdan ko‘ra ko‘proq o‘z faningizni bilishingiz, uni hayratlantira olishingiz kerak. Biz o‘qigan davrlarda o‘qituvchimiz taroqni sochimizga surkab qog‘ozni, ya‘ni daftar varog‘ini unga yopishtirsa, hayratlanar edik.

Bugun undan ham hayratlanarli tajribalar o‘quvchilarni ajablantirishi qiyin. Chunki ular internet tarmoqlarida juda ko‘p ma‘lumotlarni ola oladilar.

Fizika fani ham aniq fanlar sirasiga kirishi barobarida o‘ziga xos murakkabdir.

Shuning uchun fizika darslarida har qanday mavzu tushuntirilgach, ana shu mavzu yuzasidan laboratoriya mashg‘ulotlarini ham o‘tkazish maqsadga muvofiqdir. Toki, xalqimizda yuz marta eshitgandan bir marta ko‘rgan afzal deb bekorga aytishmaydi.

Masalan, “Elektromagnitlar. Elektromagnit rele” mavzusi ma‘ruza orqali o‘tiladi. Elektromagnit qurilmaning yaratilish tarixi, uning ta‘sir kuchiga doir ma‘lumotlar beriladi, (161,104, 160, 162, 162 –rasm) [8-sinf fizika darsligi

16.	<b>М. ҚОБИЛЖОНОВА С.Р.КАМАЛОВА</b> ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В ОБРАЗОВАНИИ КАК СИСТЕМА ВЗАИМОСВЯЗАННЫХ ДЕЙСТВИЙ.....	57
17.	<b>Ш.К.УРОКОВА</b> ПЕДАГОГИК ХОДИМЛАРНИНГ КАСБИЙ ВА ИЖТИМОЙ МОСЛАШУВИ.....	59
18.	<b>SEIT-ASAN FERIDE ERNESTOVNA</b> DEVELOPMENT OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES .....	61
19.	<b>С.А.РАХИМОВ</b> СЕМЬЯ – ИСТОЧНИК ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ.....	63
20.	<b>Г.НУРМАТОВА</b> ЎҚУВЧИ ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЧЕТ ТИЛИДА МУЛОҚОТНИНГ ЎРНИ.....	68
21.	<b>HILOLA XAYDAROVA</b> KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI O'QUVCHILARNING MAKTABGA MOSLASHUVINING IJTIMOY PSIXOLOGIK OMILLARI.....	70
22.	<b>BAYTURAYEVA MAKPAL</b> BOSHLANG'ICH SINFLARDA MUNOZARA DARSLARINING AHAMIYATI .....	73
23.	<b>ХАЙДАРОВА Р. А. САПАЕВА Х.</b> ИНДИВИДУАЛЬНЫЙ ПОДХОД КАК СРЕДСТВО, НАПРАВЛЕННОЕ НА ПОВЫШЕНИЕ УСПЕВАЕМОСТИ СТУДЕНТОВ.....	74
24.	<b>IKROMOVA INO VAT</b> MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARGA CHET TILLARNI O'RGATISHNING PSIXOLOGIK OMILLARI.....	78
25.	<b>ARZIMURODOVA E.B.</b> CHET TILLARNI O'RGANISHDA YOSHGA BOGLIQ PSIXOKOGIK OMILLARINING O`ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	81
26.	<b>АТОҒЕВ Ш. А</b> KICHIK YOSHDAGI BOLALARGA QO`SHIQLARDAN FOYDALANIB INGLIZ TILINI O`RGATISHDA O`ZIGA XOS XUSUSIYTLARI .....	84
27.	<b>JO`RAYEVA I. M.,</b> BOSHLANG'ICH SINFDA O'QUVCHILARGA INGLIZ TILINI O`QITISHDA O`YINLARDAN FOYDALANISH PSILOLOGIK OMILLARI.....	86
28.	<b>TURG'UNBOYEV NAZOKATXON</b> MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA INGLIZ TILINI O`GATISHNING PSIXOLOGIK ASOSLARI.....	89
29.	<b>Ғ.САЛОҲИДДИНОВА</b> ОИЛАДА ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИ АСОСИДАГИ ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЎРНИ. ....	93
30.	<b>MIRZAJONOVA HIMMAT</b> FIZIKA DARSLARIDA TAJRIBALARINING AHAMIYATI.....	96
31.	<b>Д.У.ХУДАЙБЕРГЕНОВА</b> ПОИСКОВАЯ АКТИВНОСТЬ В ОБУЧЕНИИ НА ОСНОВЕ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ	98
32.	<b>NAZAROVA P, QURBONMURODOVA M</b> TA'LIMDA AXBOROT TECHNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH MADANIYATI.....	101